

Ёшларда экологик тарбия ва толерантлик ривожлантириш жамият  
тараққиётининг муҳим омили  
Қўқон давлат педагогика институти  
катта ўқитувчиси  
Азимов Адхамжон Солижонович

**Аннотация.** Ушбу мақолада ёшларда экологик тарбия ва толерантлик ривожлантириш жамият тараққиётининг муҳим омиллари ҳақида баён этилган. Бугун инсониятнинг табиатга нисбатан салбий муносабатлари оқибатларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Дунёнинг бир бурчида сув тошқинлари, zilzilalar рўй бераётган бўлса, бошқа жойида ўрмон ёнғинлари кузатилаяпти. Бу каби глобал муаммолар табиат бойликларидан экологик омиллар ҳисобга олинмаган ҳолда фойдаланиш натижасида ўтган асрнинг иккинчи ярмида авж ола бошлаган эди.

**Ключевые слова:** экологик муаммолар, мотив, экологик марказ.

Айни чоғда экологик муаммоларни ҳал этишда тежамкор, экологик тоза технологияларни жорий қилиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини изчил олиб бориш ёки соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар уларни ҳал этишда етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиат неъматларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш антропоген таъсирларнинг олдини олишда асосий омиллардандир. Бунда экологик таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳам ниҳоятда юқори.

Зеро, экологик таълим-тарбия табиат ва жамият ўртасидаги узвийликни таъминлаш ҳамда табиий барқарорликни сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, экологик таълим-тарбия ёшларни табиатдан онгли равишда фойдаланиш ва улар қалбида табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳамда тежамкорликка ўргатишда қўл келади.

Албатта, ёш авлод қалбида табиатга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим масалалардан саналади. Бу, ўз навбатида, педагог кадрлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча жабҳалар қаторида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида тўлақонли ҳуқуқий-меъёрий база яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури, шунингдек, бошқа қатор ҳужжатлар экологик таълимтарбия тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун барча турдаги таълим муассасаларида экология фанини ўқитишнинг мажбурийлигини таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилган<sup>1</sup>.

Таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида ўқувчилар онгини ҳозирги экологик муаммолар моҳиятини очиб берувчи билимлар билан бойитиш ва шу билимларни уларнинг амалий фаолияти, ижтимоий меҳнати билан мустаҳкамлаб бориш мақсадга мувофиқ. Бундай масъулиятли вазифани ҳал қилиш учун ўқитувчидан шу соҳа бўйича билимга, педагогик маҳоратга, юксак экологик маданиятга эга бўлиш, шунингдек, тинимсиз изланиш, ўрганиш талаб қилинади.

Бу борада ўқув муассасаларида “Экологик марказ”, “Экологик тўғарак”ларни ташкил қилиш, мунтазам равишда экофестиваллар ёки танловлар ўтказиб туриш, ўқув-методик қўлланмалар, дарсликлар, кўرғазмали материалларни нашр этиш яхши самара бериши, шубҳасиз.

Экологик таълим-тарбияни юзага келтирувчи масканлардан яна бири, бу - маҳалла. Дарҳақиқат, халқимизда табиатга бўлган эҳтиром тарих каби кўхнадир. Шу маънода, азалий қадриятларимиздан бўлмиш умумхалқ ҳашарларини ўтказиш ва уларга ёшларни кўпроқ жалб этиш айти муддао.

Умуман олганда, ўқув юртлари, оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ёшларнинг узлуксиз экологик таълим-тарбияси борасида самарали тизимни яратиш бугун зиммамиздаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистоннинг демократик давлат, фуқаролик жамият асосларини қуриш жараёнида: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда кенг масштабда ислохотларни амалга ошириши – экологик толерантликни ривожлантириш асосларини, мотивларини, механизмларини яратди ва барқарорлик шартларини, тараққиёт кафолатларининг стратегик вазифалари йўналишларини белгилаб берди.

Хусусан, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ривожланиш стратегиясида: 1) миллий тарихий қадриятлар ва миллий ўзликни тиклаш; 2) миллий давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш; 3) демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш; 4) бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топдириш ва мулкдорлар синфини

<sup>1</sup> “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/acts/107115>

шакллантириш; 5) ички ва ташқи ижтимоий-экологик сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигини ўстириш; 6) мамлакат стратегик имкониятлари ва табиий ҳом-ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш; 7) инсон салоҳиятини ривожлантириш ва ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктурасини такомиллаштириш; 8) кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатларини яратиш; 9) жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни, барқарор тараққиётни кафолатловчи имкониятларини яратиш стратегик вазифалари кун тартибига қўйилган эди<sup>2</sup>.

Глобаллашув жараёнининг табора шиддатли тус олиши нафақат инсоният имкониятларини кенгайтормоқда, балки зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва қолоқ давлатлар ўртасидаги тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида тинчлик ва барқарорликка раҳна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра трансмиллий хусусиятга эга турли хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда<sup>3</sup>.

Бундай шароитда Ўзбекистон давлатининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларни самарали бажариш натижалари, унинг умуман халқаро алоқаларида, хусусан экологик муносабатларида толерантлик тамойилига амал қилишига боғлиқлигини тарихий тараққиёт мантиғи кўрсатиб бермоқда. Зеро, XXI аср воқелиги инсоният олдида кескинлашаётган глобал муаммоларни ҳал этишда толерантлик тамойилига асосланишни, ҳаётий заруратга, ижтимоий-экологик барқарор тараққиёт мотивига айлантирди ва уларни конкретлаштирмоқда.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларни мазкур тадқиқот мавзуси нуқтаи назардан таҳлил қилсак, **қонун устуворлиги экологик-ижтимоий фаолиятда толерантлик ҳодисасини ривожлантиришнинг муҳим механизми ва шарти эканлиги маълум бўлади.**

**Хусусан, суд ҳокимиятининг экологик масалалар ечимида: 1) суд тизими мустақиллигини таъминлаш ва нуфузини ошириш учун демократлаштириш ва такомиллаштириш; 2) экологик қонунбузарликларни чегаралаш, таъқиқлаш ва жазолашда судларни ихтисослаштириб, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш, 3) фуқаролар экологик ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилишни кафолатлаш учунбарча зарур чораларини кўриш; 4) жиноят ва жиноят-**

<sup>2</sup>Каримов И. Хавфсизлик ва барақарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т: Ўзбекистон. 1998. Б-125.

<sup>3</sup>Ш.М.Мирзиёев. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. //Халқ сўзи, 2016 йил, 19 октябрь.

процессуал қонунчилигида экологик ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш ва либераллаштириб; жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш; 5) экологик жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида давлат ва фуқаролик институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш; 6) экологик терроризм, коррупция, экспансия ва бошқа уюшган жиноятчилик шаклларида қарши курашиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш; 7) **экологик жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришда** давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш; 8) экологик ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этишда экологик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш давлат сиёсатида экологик толерантлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қилиб белгиланган<sup>4</sup>.

Экологик партияларнинг халқаро сиёсий муносабатларини, жамиятнинг: сиёсий, иқтисодий, мафкуравий тузими характерига, муайян ижтимоий қатламлар манфаатларга боғлаб, сиёсатлаштириш ва мафкуралаштириш ғализ назарий хулосаларга олиб келади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/acts/107115>
2. Алихонов Б. Экологик таълим - атроф-муҳит мусаффолигининг асосий омили. Халқ сўзи, 10 август 2012 й.
3. Каримов И. Хавфсизлик ва барақарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т: Ўзбекистон. 1998. Б-125. 4.Ш.М.Мирзиёев. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. //Халқ сўзи, 2016 йил, 19 октябрь.
5. Musaev, Odil, et al. "Socio-philosophical interpretations of such concepts as" ethnos" and " nation" as social unit." *International Journal of Advanced Science and Technology* 29.5 (2020): 1936-1944.
6. ЮСУПОВ, Ахроржон. "CULTURAL, SPIRITUAL AND IDEOLOGICAL FACTORS IN INCREASING THE SOCIAL ACTIVITY OF CITIZENS IN SOCIETY." *O 'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI* 1.5 (2022).

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида /расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. -Тошкент: Адолат, 2017.

7. Юсупов, Ахрор. "СУЩНОСТЬ КОНЦЕПЦИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ ГРАЖДАН." *ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ*. 2020.
8. Юсупов, А. К. "Роль гражданской активности в демократизации общества." *Вопросы политологии* 10.9 (2020): 2709-2716.
9. Yusupov, Ahror Kurbanovich. "THE ROLE OF NATIONAL IDENTITY IN INCREASING THE SOCIO-POLITICAL ACTIVITY OF THE YOUTH OF UZBEKISTAN." *E-Conference Globe*. 2021.
10. Юсупов, Ахроржон, and Баходирхан Кодирхан угли Нуманов. "КИПЧАКИ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ И ИХ УЧАСТИЕ В ЭТНИЧЕСКОМ ПРОЦЕССА." *Ученый XXI века* 6-2 (2016).
11. Kurbanovich, Yusupov Akhrorjon. "The Role of National Identity in Increasing the Socio-political Activity of the Youth of Uzbekistan." *JournalNX*: 177-179.
11. Alimovna, Usmonova Sofiya, and Juraeva Ramziya Abdurahimovna. "THE PLACE OF ETHNOTOPONYMS IN TOPONYMY." *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 *Impact factor: 7.429* 11.09 (2022): 300-303.
12. Abdurakhimovna, Joraeva Ramziya. "Lexical-Semantic Features Of Muqimi's Works." *Journal of Positive School Psychology* (2022): 138-144.